


**15. «Олтин силсила» - «Сунани Абу Довуд»
асарининг биринчи жузи**



«Олтин силсила» - «Сунани Абу Довуд» 1-жуз

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи

Нашриёт: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси

Сана: 2021 йил

Ҳажми: 673 бет

ISBN: 978-9943-6463-4-6

Ўлчами: 70×100 1/16

Муқоваси: қаттиқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 25 декабрдаги 6587-рақамли хулосаси асосида чоп этилди.

Уламоларимиз томонидан ҳадисларни жамлашда қилинган ҳаракатлар натижасида юзлаб, балки минглаб нодир асарлар дунёга келган бўлиб, бу асарлар ичида катта ҳадис тўпламлар алоҳида ўрин тутиши табиий. Биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини халқимизга етказиш учун ўша китоблар ичида энг мўътабар саналган, кўпчилик томонидан саҳиҳ, ишончли деб эътироф этилган тўққизта ҳадис тўпламини танлаб олдик. Уларнинг бошида Ислом уммати қадимдан эътироф қилиб келаётган энг мўътабар олти ҳадис китоби ўрин олган. Қолган учта ўринга мазкур олтиликнинг олтинчи ўрнига даъвогарлик қилган ҳадис китоблар танланди. Бу тўққизта китобни ҳадис уламолари орасида «Саҳиҳ тўққизталиқ» деб ҳам юритилади. Улар қуйидагилар:

1. «Саҳиҳи Бухорий».
2. «Жомеъи Термизий».
3. «Саҳиҳи Муслим».
4. «Сунани Абу Довуд».
5. «Мужтабои Насайй».
6. «Сунани Ибн Можа».
7. «Муваттои Молик».
8. «Сунани Доримий».
9. «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон».